Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 5 апрель
ПАЙШАНБА
№ 79 (4.873).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни, гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти лавозими таъсис этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши Қорақалпоғистон АССР нинг ҳуқуқий мавқеини ўзгартирмайди, Қорақалпоғистон АССРнинг Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон ССР Конституциялари билан мустаҳкамлаб қўйилган ваколатлари чекланишига олиб бормайди.

II. Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 6, 7 ва 49-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-модда. Ўзбекистон Коммунистик партияси, бошқа сиёсий партиялар, шунингдек касаба союз, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатлар халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳамда бошқа шаклларда Совет давлати сиёсатини амалга оширишда, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашадилар.

7-модда. Ўзбекистон Коммунистик партияси, бошқа сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар ўз программалари ва уставларида кўзда тутилган вазифаларини бажарган вақтларида Ўзбекистон ССР Конституцияси ва совет қонунлари доирасида иш олиб борадилар.

Совет конституцион тузумини ва социалистик давлатнинг яхлитлигини зўрлик йўли билан ўзгартиришни, унинг хавфсизлигини путурдан кетказишни, социал, миллий ва диний нифоқни авж олдиришни мақсад қилиб қўйган партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг тузилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди».

«49-модда. Ўзбекистон ССР гражданлари сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига уюшиш, сиёсий фаолликни ва ташаббускорликни ривожлантиришга, уларнинг хилма-хил манфаатларини қондиришга ёрдам берадиган оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамоат ташкилотларига ўз уставларидаги вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун шароитлар кафолати берилади».

2. Ўзбекистон ССР Конституцияси қуйидаги мазмунда бўлган янги 12^1-боб билан тўлдирилсин:

«12^1-боб. Ўзбекистон ССР Президенти

118^1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бошлиғи Ўзбекистон ССР Президентидир.

118^2-модда. Ўзбекистон ССР Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган ва 65 ёшдан катта бўлмаган Ўзбекистон ССР граждани сайланиши мумкин. Бир кишининг ўзи икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон ССР Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР гражданлари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон ССР Президенти лавозимига номзодлар сони чекланмайди. Ўзбекистон ССР Президенти сайловида сайловчиларнинг камида эллик фоизи қатнашган тақдирда сайлов ҳақиқий деб ҳисобланади. Умуман Ўзбекистон ССРда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш тартиби Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР халқ депутати ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Президенти бўлган шахс фақат шу лавозимда иш ҳақи олади.

118^3-модда. Ўзбекистон ССР Президенти лавозимни ижро этишга киришиш чоғида Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисида қасамёд қилади.

118^4-модда. Ўзбекистон ССР Президенти:

1) совет гражданларининг республика территориясидаги ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили бўлади;

2) Ўзбекистон ССР суверенитетини, хавфсизлиги ва территориал бутунлигини муҳофаза этиш, Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради;

3) мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда давлатлараро муносабатларда Ўзбекистон ССР номидан вакиллик қилади;

4) Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлайди;

5) Ўзбекистон ССР Олий Советига республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳар йили маълумотнома тақдим этади; ички ва халқаро ҳаётга доир энг муҳим масалалардан Ўзбекистон ССР Олий Советини хабардор қилиб туради;

6) Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий судининг Раиси, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками лавозимларига номзодларни тақдим этади; мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимномалар топширади, Ўзбекистон ССР Олий судининг Раиси бундан мустаснодир.

Айрим ҳолларда Ўзбекистон ССР Президенти кўпчилик Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг талаби билан Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига муқобил номзодлар тақдим этиши мумкин. Бундай ҳолларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини яширин овоз бериш натижалари бўйича тайинлайди;

7) Ўзбекистон ССР Министрлар Советини истеъфога чиқариш тўғрисида ёки унинг истеъфосини қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети олдига масалалар қўяди; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси билан келишиб Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоларини лавозимидан озод қилади ва тайинлайди, кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади.

8) Ўзбекистон ССР қонунларини имзолайди; қонунни ўз эътирозлари билан камида икки ҳафта муддат ичида такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советига қайтариб юборишга ҳақлидир. Агар Ўзбекистон ССР Олий Совети овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан илгари қабул этилган қарорни тасдиқласа, Ўзбекистон ССР Президенти қонунни имзолайди;

9) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга;

10) Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонларини беради, Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиғи билан мукофотлайди;

11) Ўзбекистон ССР гражданлигига қабул қилади, бошпана бериш масалаларини ҳал этади; Ўзбекистон ССР судлари томонидан ҳукм қилинган гражданларни авф этади;

12) қонун ҳужжатлари билан ўз ихтиёрига бериб қўйилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

118^5-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши ишлайди, унинг вазифаси Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш, гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига кўра Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши ҳайъатига киради.

Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси қатнашиш ҳуқуқига эга.

118^6-модда Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан фармонлар чиқаради. Бу фармонлар республиканинг бутун территориясида мажбурий кучга эга бўлади.

118^7-модда. Ўзбекистон ССР Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эга ва у Ўзбекистон ССР Конституциясини ҳамда Ўзбекистон ССР қонунларини бузган тақдирда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидангина лавозимидан туширилиши мумкин. Бундай қарор Ўзбекистон ССР Олий Советининг ташаббусига биноан Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг хулосасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

118^8-модда. Ўзбекистон ССР Президенти 118^4-модданинг 10-бандида кўзда тутилган ўз вазифаларини ижро этишни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисига, 118^4-модданинг 11-бандида кўзда тутилган вазифаларини эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисига топшириши мумкин.

118^9-модда. Агар Ўзбекистон ССР Президенти муайян сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаса, Ўзбекистон ССРнинг янги Президенти сайлангунга қадар унинг ваколатлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисига ўтади. Бу ҳолда Ўзбекистон ССР янги Президенти сайлови уч ой муддатда ўтказилиши керак».

3. Ўзбекистон ССР Конституцияси «Ўзбекистон ССР Президенти» деган 12^1-боб билан тўлдирилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Конституциясининг қуйидаги моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 72-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР ССР Иттифоқи ихтиёридаги масалаларни СССР халқ депутатлари съездида, СССР Олий Советида, СССР Олий Совети Президиумида, Федерация Кенгашида, СССР ҳукуматида ва ССР Иттифоқининг бошқа органларида ҳал этишда қатнашади».

2) 101-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органи доимий ишлайдиган Ўзбекистон ССР Олий Совети бўлиб, у ўз фаолиятида қонун чиқариш ва назорат қилиш вазифаларини амалга оширади».

3) 102-моддада:

7-банддаги «Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8, 10, 13 ва 21-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисини тайинлайди; Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳайъатини ва унга киритиладиган ўзгаришларни тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон ССР министрликларини ва Ўзбекистон ССР давлат комитетларини тузади ҳамда тугатади;

10) Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетини сайлайди;

13) гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари амалга оширилишини, мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалиги ва социал-маданий қурилишни бошқаришни ташкил этишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгилашни, солиқ солишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ва табиий ресурслардан фойдаланишни, шунингдек бошқа муносабатларни Ўзбекистон ССР ҳуқуқи доирасида қонун йўли билан тартибга солиб туради;

21) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга».

4) 105-модданинг 1, 2 ва 3-қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси томонидан навбатдаги сессияларга бир йилда камида уч марта чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси томонидан ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Президентининг, Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органининг ёки Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сайловдан кейинги биринчи мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси сайлангунга қадар Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси очади, мажлисларни олиб боришнинг шундан кейинги тартиби Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан белгиланади».

5) 107 ва 109-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий ва бошқа комиссиялари, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети, Қорақалпоғистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи, Ўзбекистон ССР Халқ назорат комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳаками эга.

Жамоат ташкилотлари номидан уларнинг республика органлари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эга».

«109-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишини ташкил этиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси бошчилигида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми тузилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми таркибига, лавозимига кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларини тайёрлайди. Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳалари ва давлат турмушининг бошқа энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилишини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР қонунлари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Президенти қабул қилган бошқа ҳужжатлар ўзбек, рус ва бошқа тилларда, Қорақалпоғистон АССР учун эса — қорақалпоқ тилида ҳам эълон қилинишини таъминлайди».

6) 110-модда чиқариб ташлансин.

7) 111-модда 110-модда деб ҳисобланисин ва у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«110-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари орасидан беш йил муддатга ва қўли билан сурункасига икки муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади. У исталган вақтда Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан яширин овоз бериш йўли билан чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисоб бериб туради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларини чақириш ҳақида қарорлар, бошқа масалалар юзасидан эса — фармойишлар чиқаради».

8) 112-модда чиқариб ташлансин.

(Давоми иккинчи бетда).

ЕРГА УРУҒ ҚАДАЛАЯПТИ

РЕПОРТАЖ

Ўлкамизда сўлим баҳор сеп ёйиб, табиат гўзаллигини барчага намоён этмоқда. Яқиндагина қор кўрпасига бурканиб куч тўплаган далаларда тобора жўшқин меҳнат ҳукмини ўтказмоқда. Сокинлик ўрнини яратувчанлик эгаллагани бежиз эмас. Бободеҳқон яна қадрдон пайкалида. У бу кунларни интиқ кутди. Қишни қимир-қимир билан ўтказди: далага маҳаллий ўғит ташиди, сув равон юриши учун ариқ-зовурларни тозалади, картанинг ўнқир-чўнқирини текислади.

Бугун тупроққа уруғ қадайди. Ҳар йили шундай дақиқаларда қалбини ҳаяжон эгаллайди. Улар эрта-индин яшил ниҳоллар бўлиб униб чиқади. Сўнгра гул ва шоналар тақади. Кейин эса оппоқ момиқларга айланади.

Мана, пайкалда иш қизғин. Бир томонда тракторлар шовқин-сурон солиб ерни борона қилаяпти. Иккиннчи тарафда ишчилар кетмон билан ернинг паст-баландини текислашмоқда.

Хўжаликда даставвал Рўзи Чоршанбиев бошқарувчилик қилаётган 6-бўлимнинг Жума Хидиров бошлиқ бригадаси далаларига чигит қадалади.

— Биринчи бўлиб экишни бошлашимиз бежиз эмас, — дейди бригадир Ж. Хидиров. — Запас сувини ҳаммадан аввал бериб бўлгандик, мартнинг сўнгги ўн кунлиги иссиқ келиб, экин майдонларимиз тез етилди.

Совхоз директори Холбой Нориев, бош агроном Шоғўлат Зикиров, хўжаликнинг бошқа мутахассислари, тажрибали деҳқонлари ҳам шу ерда.

— Жорий йилда ғўзанинг икки хил навини ўстирмоқчимиз, — сухбатга қўшилди бош агроном. — Пахтакорларимиз ингичка толали Термиз-16 ва ўрта толали Ф-133 навларини парваришлашнинг тартиб-қоидаларини яхши биладилар. Чунки бир неча йилдан бери уларни экиб, синаб кўрдик. Айни бизнинг шароитимизга мос навлар. Ҳосилдорлиги юқори, иссиққа бардошли. Ҳар иккаласидан ҳам гектар ҳосилига 60 килограммдан уруғлик келтирдик.

Пайкал бошида турган сеялка қутилари дориланган чигитга тўлдирилди. Трактор орқасига Панжи Холиёров ўтирди. Механизатор Акбар Норқобилов ўриндиққа жойлашгач, тепкини босди. Агрегат ҳайқирганча олдинга интилди. Йиғилганлар унинг ортига, уруғ қадалган жўякларга ҳавас билан қараб қолишди...

Ангор районидаги «Толлимарон» совхозида чигит экиш шу тариқа бошланди. Бу муҳим тадбир кун сайин қизитилмоқда. Бирин-кетин бошқа бригадалар ҳам барака уруғи қадашга киришдилар. Жума Қувватов, Одил Маҳмадиёров, Сафар Туропов, Шоди Эгамбердиев, Худойназар Юсупов бошлиқ жамоалар меҳнат мусобақасининг олдинги сафларида боришаётир. Кечагача Ж. Хидиров бригадасида 30, совхоз бўйича эса 182 гектар ерга сифатли чигит экилди.

— Деҳқонларга мустақиллик берилгани ижодий ишлашга, тадбирларни тажриба асосида, мақбул муддатларда ўтказишга имкон яратди, — дейди хўжалик директори Холбой Нориев. — Экиш-тикиш ҳам қеч бир кўрсатмасиз, буйруқсиз олиб борилмоқда. Тўғри, баъзилар ўтган йили рўй берган табиий офатдан чўчиқираб туришибди. Лекин йил йилга ўхшамайди деган гап бор. Шунинг учун тупроқ ҳолатига, майдонлар тайёрлигига қараб ишни маромида ташкил қилаяпмиз. Мавсумга жами 52 та сеялка шайланган. Кеча 15 таси ишлатилди, бугун 25 таси миниб чиқилади. Иккиқ кунда мавжуд сеялкалардан тўлиқ фойдаланилади. Шунда кунига 500—600 гектар майдонга барака уруғи ташланади.

Толлимаронликлар амалдаги йилда 2.600 гектар ерда пахта етиштиришга, гектаридан ўртача 30,8 центнердан ҳосил саранжомлашга бел боғлашган. 1.800 гектарда Термиз-16, қолганида Ф-133 навлари ўстирилади. Хўжаликда муҳим мавсумни уюшқоқлик билан тугаллаш тадбирлари белгиланган. Бу ишни 15 апрелгача ниҳоялаш меҳнат аҳлининг ягона мақсади. Айни пайтда экиш-тикиш мусобақаси авжига чиқаяпти. Бунда Акбар Норқобилов, Парда Усмонов, Ражаб Чориев, Қулмон Тўронов, Эшбой Чориев каби механизаторлар ўрнак кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 10—12 гектар майдонга чигит қадаяпти.

Совхозда бошқа турдаги экинларни экиш қулай ва қисқа муддатларда ўтказилди. Жумладан, 241 гектарга маккажўхори, 30 гектарга сабзавот, шунча ерга лавлаги, 25 гектарга полиз, 10 гектарга картошка уруғи қадалди. Азамат деҳқонлар барча соҳаларда меҳнат ютуқларини кўпайтирамиз, демоқдалар.

Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
муҳбири.



хўжалиги техникасини пухта созлаш, уруғлик ҳозирлаш сингари муҳим юмушлар барвақт ниҳоясига етказилди. Шунинг учун экиш-тикиш ишлари суръати кун сайин ошиб бораётир. Далаларга бирин-кетин экиш агрегатлари кириб келаётир. Қудратли тракторларнинг наъраси тобора баланд янграмоқда.

Ш. УМИРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Сеялкачи Баҳодир Алимов (чапдан), хўжалик бош агрономи Хўжаахмад Бобомўродов ва бригада етакчиси Уммат Эгамбердиев уруғликни кўздан кечиришмоқда. 2. Экиш пайти.

М. ҚОРАБЕКОВ олган суратлар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ИТТИФОҚ СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иттифоқ Совети **қарор қилади:**

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан сайланган СССР халқ депутати Иван Дмитриевич **Лаптев** Иттифоқ Советининг раиси қилиб сайлансин.

Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари

А. МОКАНУ.

Москва, Кремль.
1990 йил 3 апрель.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Т. А. САРИМСОҚОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Математика фанини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали педагогик ва жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Тошмуҳаммад Алиевич **Саримсоқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Уроқ ва Болга»** олтин медали топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 3 апрель.

ҚУТЛУҒ НИЯТ БИЛАН

Ўлкамизда баҳор кезмоқда. Беповён далалар, қир-адирлар оҳанрабодай ўзига чорлайди. Қалби яратиш, яшнатиш ҳисси билан тўлган эзгу мақсад соҳиби — деҳқон бугун катта иш бошида турибди, ерга барака уруғи қадамоқда.

Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг нияти қутлуғ пахтакорлари чигит экишга киришдилар. Тадбиркор деҳқон Уммат Эгамбердиев етакчилигидаги бригада аъзолари хўжаликда пешқадамлик қилишаётир.

— Баҳор очиқ келди, — дейди У. Эгамбердиев. — Жорий йилда далаларимиздан мўл ҳосил олишни кўзлаяпмиз. Шу ният билан уруғ қадашга киришдик. Чигитни ернинг ўз намида ундириб олмоқчимиз.

Яхши ният — ярим давлат. Хўжалик деҳқонлари бу йилги кўклам мавсумига пухта тайёргарлик кўрдилар. Маҳаллий ўғит жамғариш, ариқ-зовурларни тозалаб, тартибга келтириш, мавсумда қатнашадиган ҳамма қишлоқ

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

9) 113 ва 114-моддалар тегишли суратда 111 ва 112-моддалар деб ҳисоблансин.

10) 115-модда 113-модда деб ҳисоблансин ва у икки модда тарзида қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«113-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутати Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларида Ўзбекистон ССР Президентига, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР министрларига, Ўзбекистон ССР Олий Совети тузадиган ёки сайлайдиган бошқа органларнинг раҳбарларига, шунингдек Ўзбекистон ССР территориясида жойлашган умумиттифоқ қарамоғидаги ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига Ўзбекистон ССР ихтиёридаги масалалар юзасидан сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Сўров билан қайси орган ёки мансабдор шахсга мурожаат қилинган бўлса, ўша орган ёки мансабдор шахс уч кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессиясида оғзаки ёки ёзма жавоб қайтаришга мажбур.

114-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Ўзбекистон ССР Олий Советида, унинг комиссияларида, шунингдек аҳоли орасида депутатлик фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган муддатда хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ССР халқ депутати Ўзбекистон ССР Олий Советининг розилигисиз, унинг сессиялари орасидаги даврда эса — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд йўли билан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас».

11) 116-модда 115-модда деб ҳисоблансин ва у икки модда тарзида қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«115-модда. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан комитетнинг Раиси, Раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон АССР вакилини қўшиб ҳисоблаганда 9 аъзодан иборат қилиб сиёсат ва ҳуқуқ соҳасининг мутахассисларидан сайланади.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахсларнинг ваколат муддати — ўн йил.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахслар бир пайтнинг ўзида ҳужжатлари Комитет томонидан назорат қилинадиган органлар таркибига кира олмайдилар.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетига сайланган шахслар ўз вазифаларини бажариш чоғида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон ССР Конституциясига бўйсунадилар.

116-модда. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети:

1) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида унга хулосалар тақдим этади;

2) Ўзбекистон ССР халқ депутатлари камида бешдан бир қисмининг, Ўзбекистон ССР Президентининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг таклифларига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган Ўзбекистон ССР қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига хулосалар тақдим этади;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

3) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Президентининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг таклифларига биноан Қорақалпоғистон АССР Конституциясининг Ўзбекистон ССР Конституциясига, Қорақалпоғистон АССР қонунларининг эса — Ўзбекистон ССР қонунларига ҳам мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига хулосалар тақдим этади;

4) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари камида бешдан бир қисмининг, Ўзбекистон ССР Президентининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг таклифларига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳужжатларининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига киритилган бошқа ҳужжат лойиҳаларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон ССР халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига хулосалар тақдим этади;

5) Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР прокурори, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, жамоат ташкилотларининг, республика органлари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг таклифлари бўйича Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети шунингдек ўз ташаббуси билан Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тузиладиган ёки сайланадиган бошқа органлар ҳужжатларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни қараб чиқишга ҳақли.

Ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ эмаслиги аниқланса, Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети ҳужжатни чиқарган органга йўл қўйилган номувофиқликни бартараф этиш учун ўз хулосасини йўллайди. Комитетнинг ана шундай хулосани қабул қилиши Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Ўзбекистон ССР қонунларидан, Қорақалпоғистон АССР Конституциясидан ташқари Ўзбекистон ССР Конституцияси ёки Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ келмайдиган ҳужжат ёки унинг айрим қоидаларининг амал қилишини тўхтатади. Комитет ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузади деган хулосага келган пайтдан бошлаб, бу ҳужжат ёки қоида ўз кучини йўқотади.

Ҳужжатни чиқарган органлар уни Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунларига мослаштиради. Агарда номувофиқлик бартараф этилмаса, Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети тегишли бўлишига қараб, Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бўйсунувчи органлар ёки мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон ССР Конституциясига ёки Ўзбекистон ССР қонунига мувофиқ келмайдиган ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдимнома киритади.

Комитетнинг хулосаси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сонининг учдан икки қисми овоз бериб қабул қилган Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори билангина рад этилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон ССРда конституцион назорат тўғрисидаги Қонун билан белгиланади».

12) 117-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзига ҳисоб берадиган барча давлат органларини назорат қилиб туради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети фаолиятини йўналтириб туради».

13) 120-модданинг биринчи қисмидаги ва 123-моддадаги «биринчи ўринбосари» деган сўзлар «биринчи ўринбосарлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14) 121-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмунда бўлган учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз иши тўғрисида йилига камида бир марта Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисоб бериб туради ва ўз фаолиятидан Ўзбекистон ССР Президентини мунтазам хабардор қилиб боради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўз ташаббусига ёки Ўзбекистон ССР Президентининг таклифига биноан Ўзбекистон ССР ҳукуматига ишончсизлик билдириши мумкин, бу эса ҳукуматнинг истеъфо беришига олиб келади. Ушбу масала хусусидаги қарор Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади».

15) 122-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат бошқарувининг Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган, Ўзбекистон ССР Конституциясига биноан Ўзбекистон ССР Олий Советининг ва Ўзбекистон ССР Президентининг ваколатига кирмайдиган барча масалаларни ҳал қилишга ҳақлидир»;

иккинчи қисмидаги 3 ва 4-бандлари қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«3) гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк ва жамоат тартибини кўриқлашга оид тадбирларни амалга оширади;

4) СССР Конституцияси белгилаб қўйган доирада мамлакат мудофаасини ва давлат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради»;

5-банди қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«5) Ўзбекистон ССРнинг хорижий давлатлар билан муносабатлари, чет мамлакатлар билан ташқи савдо, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги соҳасидаги тадбирларни амалга оширади; Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини бажаришни таъминлаш чораларини кўради».

6-бандидан қуйидаги сўзлар чиқариб ташлансин:

«хўжалик, социал-маданий қурилиш ишлари юзасидан».

16) 124-модда қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«124-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари Съездининг ва СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Президентининг фармонлари, Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон ССР Президенти фармонлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари асосида ва уларни ижро этиш учун қарорлар ва фармойишлар чиқаради, уларнинг ижросини текширади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ижро этилиши мажбурийдир».

17) 126-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР министрликлари ва давлат комитетлари ўзларига топширилган бошқарув соҳаларининг ҳолати ҳамда ривожланиши учун жавобгардирлар; улар ўз ваколатлари доирасида СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Президентининг фармонлари, Ўзбекистон ССР қонунлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари, СССР Министрлар Советининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, СССР тегишли министрликлари ва давлат комитетларининг ҳужжатлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун ҳужжатлар чиқаради, улар ижросини йўлга қўяди ва текширади».

III. 1. Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан беш йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилсин.

Ана шу сайловда жамоат ташкилотлари ўзларининг республика органлари орқали, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида 50 кишидан иборат гуруҳлари ва Қорақалпоғистон АССР ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Ўзбекистон ССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатишлари мумкин. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Агар овоз бериш чоғида номзодлардан бирортаси ҳам овозларнинг ярмидан кўпроғини олмаган бўлса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод қайта овозга қўйилади.

2. Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланган шахс қасамёд қилган пайтидан бошлаб ўз лавозимини бажаришга киришади.

Ўзбекистон ССР Президенти қасамёдининг қуйидаги матни тасдиқлансин:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти лавозимида иш бошлар эканман, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

IV. Ушбу Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 24 март.



Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Москва» колхози меҳнаткашлари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, токзорлар ва ўрмонлар барпо этиш икки ойлигида фаол қатнашмоқдалар. Улар қисқа муддат ичида 300 гектар ерни ўзлаштириб, янги боғ яратишди.

СУРАТЛАРДА: 1. 3-бригада аъзоси Маматмўмин Пардаев. 2. Ниҳоллар ўтказилмоқда.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

ШЕРИКЧИЛИК САМАРАЛАРИ

Гулистон консерва заводида маҳсулот ишлаб чиқариш икки йил ичида икки баравар кўпайди, маҳсулот тури эса деярли тўрт баравар ошди. Бу — корхонанинг доимий хом ашё етказиб берувчисига айланган «Баҳор» совхози билан бевосита алоқалари самарасидир.

Натижада магазинлар пештахталаридан хилма-хил консерва маҳсулотлари — кулчақовоқ, кабачкилар, томатлар, тузланган лавлаги, мураббо ва жемлар аримай қолди.

Шу кунларда «Баҳор» совхозида баҳорги дала ишлари авж олган бир пайтда бу йилги ҳамкорлик чегаралари маҳсулот ҳажмига кўра ҳам, турига кўра ҳам белгилаб олинди.

Ҳозир корхона реконструкция қилинаяпти: янги корпуслар қурилиб, замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий суди 41 судья ва 210 нафар халқ маслаҳатчисидан иборат қилиб белгилансин.

2. Ўзбекистон ССР Олий суди қуйидаги ҳайъатда сайлансин:

Ўзбекистон ССР Олий судининг гражданлик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси —

Турғунбоев Обиджон Турғунбоевич

Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси —

Набиев Улуғбек Иброҳимович

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Аллашева Клара Шерниёзовна
Анисей Татьяна Усмоновна
Бердиқиличов Султонбой
Бокова Татьяна Евгеньевна
Дўстбобоев Азамат Ботирович
Жалилов Маъмур
Зикова Нина Васильевна
Зокиров Низомиддин Дониевич
Иброҳимов Азамат Ҳайдарович
Исмонлов Бахтиёр Жўраевич
Исмонлов Собиржон Абдуллаевич
Казаков Николай Иванович
Маташова Наталия Викторовна
Муҳиддинова Фарруҳа Фахриддиновна
Нанмов Баҳриддин Азимович
Ниятов Абдусаттор
Носиров Каримхон
Попков Александр Васильевич
Раҳмонов Амрулло
Сарабеков Абдуқодир
Сафаева Машкура
Субҳонқулов Жамшид Тўрақулович
Тойжонов Бахтиёр Мирзаахмедович
Турсунбоев Йўлчибой Эргашевич
Турғунбоев Обиджон Турғунбоевич
Шоҳаҳимов Усмон
Эшматов Аминжон Жаббборович
Юсупова Венера Султоновна
Қодиров Аҳрор Охунжонович
Қодиров Собир Солиҳович

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ ҲАЙЪАТИГА 1988 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН КЕЙИН САЙЛАНГАНЛАР ҲАМ КИРАДИ:

Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси **Маликов** Муҳаммад-Бобир Мажидович

Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари **Эшонов** Баҳодир Отабоевич

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОЛАРИ:

Набиев Улуғбек Иброҳимович
Усмонов Ҳусан Муҳсинович
Хоменкер Лев Моисеевич

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ:

Абдуазимов Эркин Набиевич
Абдуллаева Раҳима
Абдуллаев Фаттоҳ
Абдуллаев Ҳамидулла
Абдурахмонов Маҳмуд Аҳмаджонович
Абдурахмонов Сайдулло Мутолибович
Абдуғаниев Зукур
Абрайқулов Норбой
Абилфайзова Шарофат
Ажимуродова Жиғагул
Айтмуродов Раҳмон
Акромов Маҳмуд Восиевич
Александрова Наталия Ивановна
Алланазарова Хосият Ҳожиназаровна
Амнова Галия Хазиевна
Аннақиличев Сапармуҳаммад Давлатқиличевич
Араббоева Тожихон
Ашепков Святослав Васильевич
Аҳалаева Зуҳра Анваровна
Бабушкин Владимир Федорович
Байдалинов Наврўз Кумарович
Баҳронов Темир Ҳожибекович
Бобожонова Гулбаҳор Ўринбоевна
Бобоқулов Абдуҳалил Норқулович
Бойлиева Норой Жумановна
Бойқобилов Исматулло
Болтабоев Қурбонали Ўразимбетович
Болтабоев Собир Ҳасанович
Боқиева Марҳамат
Букреева Ирина Юрьевна
Булатова Венера Нуруллаевна
Бўриев Зокир
Бўронов Чори Шоймардонович
Валишина Римма Равильевна
Вишатицкий Николай Борисович
Григорьев Владимир Анатольевич
Гринблат Геся Борисовна
Гурьева Валентина Даниловна
Дадахўжаева Валентина Аҳмадовна
Деҳқонов Хурсандали Эргашевич
Диёров Маҳмуд
Дўстбеков Исмат
Евдокимова Галина Ивановна
Ережепов Бахтиёр Жапақович
Ёқубова Нозима Усмоновна
Жабборов Ҳомид Ражабович
Жалилова Ҳуснигул
Жумаев Бевит
Жумаев Очил
Жўраев Муҳиддин
Жўраев Расулжон Шаробиддинович
Забродина Валентина Андреевна
Иброҳимов Исоқ
Иброҳимов Рустамжон
Иброҳимов Ҳусниддин Тўхтамишевич
Иброҳимова Райҳон Маратовна
Инина Ирина Анатольевна
Иномжонов Холдорбой
Исматиллаев Ҳасан
Исоқова Рауза Сафиюловна
Исохўжаева Умида Муҳаммадовна
Йўлдошев Турғунбой
Йўлдошева Зулфия Жуманазаровна
Йўлдошева Надежда Федоровна
Каипова Ринна Ришадовна
Карелина Зинаида Николаевна
Каримов Абдужаббор Қўчқорович
Каримов Мақсудали
Кабелянская Ольга Васильевна
Красильникова Лариса Борисовна
Ли Елена Герасимовна
Мавлонова Каромат Ҳафизовна
Мадетов Қозоқбой
Мамасолиев Муҳаммаджон
Маматалиева Каромат
Маматов Муҳаммадали
Маматқулов Пўлат Пиримқулович
Маҳкамов Самиғжон Муҳаммаджонович
Маҳмудов Абдуқосим Абдуғаппорович
Маҳмудов Камол Мўйдинович
Милоцкая Лидия Яковлевна
Мираҳмедова Муаттар Тўхтаевна
Мирзаев Ҳимойиддин Саидович
Мирзараҳмонова Озода
Мирсандова Мавжуда
Мўйдинова Саҳодатхон
Муленко Любовь Григорьевна
Мусаев Эшбой Янгибоевич
Мустафоев Мудесир
Муҳиддинов Мақсуджон Маҳмудович
Мўминов Холмурод Абдураимович
Надеева Фаягул Ҳайдаровна
Назарбеков Карим
Насимов Акбар Мансурович
Низомова Газина Эшонназаровна
Нишонов Рамазон
Ниятов Оролбой
Номозов Исирғой Номозович
Норбоев Ҳамза Абдуллаевич
Нормирзаев Қобилжон
Нормуродов Ғафур
Нуриддинов Ривожиддин Қутбиддинович
Нуруллаев Купал
Одилова Холида Муталовна
Отажонов Маъмурхон Маматхонович
Отамуродов Соли Рўзматович
Отаниёзова Нина Қосимовна
Охунов Абдуҳаким Мирзаолимович
Пирлепесов Бозорбой Калматаевич
Полякова Людмила Валентиновна
Пчелинцева Лариса Геннадиевна
Рабаев Фидан Рабаевич
Равшанова Очила Ҳамдамовна
Ражабова Марган
Расулбердиев Мўминжон
Раҳимов Мўминбой
Раҳматқулов Мўйдин
Рогова Светлана Александровна
Родионов Николай Игнатьевич
Рўзибоев Мансур Ёқубович
Рўзиев Зиёдулла Султонович
Рўзматов Эркин
Саидаҳмедов Арслон
Саидов Ҳаким Маҳмудович
Салимова Меҳри
Саломова Назира Шароповна
Саманов Жанабой
Сантиров Саидаҳмад
Сапарова Пернекул Қалдарбековна
Сарбоев Сулаймон Сарбоевич
Сатторова Рамзия Каромовна
Свинадзе Наталия Ивановна
Сетматов Мирза
Собитов Маҳмуд Аҳмадович
Содиқов Мамарозиқ Раҳимович
Соколов Михаил Алексеевич
Сотиволдиев Тўхтамурод
Соттибоев Аҳад Аҳмаджонович
Стеренко Светлана Григорьевна
Сулаймонов Абдуҳалил Исканович
Темирова Бибисора Темиршоховна
Тожибоев Йўлдош Мелибоевич
Токарева Надежда Михайловна
Толмачев Михаил Ильич
Тонких Галина Георгиевна
Тошматов Абдуазиз
Тоғаев Йўлдош
Тоғаев Маҳкамбой Абдувалиевич
Тоғайалиев Мажид Тоғайалиевич
Травина Любовь Алексеевна
Тришкина Альбина Николаевна
Тюмебоев Сирожиддин
Тўйчиева Малика
Тўрабоева Тўхтахон
Тўраев Жўрақул Тўраевич
Тўраев Муҳаммадсолиҳ Мусаевич
Тўраев Ҳасан Норқобилович
Усмонов Бурҳон
Усмонов Раҳимжон Усмонович
Усмонов Рустам Саъдуллаевич
Утегенов Саидниёз
Файзуллаева Насиба Ҳожимуродовна
Филимонова Лидия Яковлевна
Хабибуллина Раифа Ишбулдовна
Холиқова Севар Истатовна
Холматова Эъзозхон Алиевна
Холназаров Набижон Умрзоқович
Худойбергенов Герман Каримович
Худойбердиев Қодир
Худойқулов Бердимурод
Худойқулов Исо Ғойибназарович
Хушвақова Мавлуда Назаровна
Чернова Светлана Васильевна
Чўкобоева Саида Саидовна
Шамсиддинов Қурбонназар Дўстмуродович
Шапков Станислав Николаевич
Шоаҳмедова Фарида Қўзиевна
Шодмонов Ҳамидулла Камолович
Шоёқубова Инобат Шораҳимовна
Шокиров Баҳодир Солиҳович
Шукуров Сайдулла
Эргашев Ўткир
Эргашев Қодир Болиевич
Юсупов Абдушариф
Юсупов Пўлат
Юсупов Рихсибой Юсупович
Юсупова Тўтихон Хўжаевна
Янгибоев Абдураҳмон Ҳолматович
Уроқова Олия
Қаҳҳоров Шокир Расулович
Қобулов Ортиқ Отабоевич
Қодиров Раҳмон
Қосимов Холбой
Қурбондурдиев Машариб
Қурбонов Рўзал Сафарович
Қурбонова Зайнаб Умуровна
Қўлдошев Акром
Қўчқоров Оқбўта Нурматович
Қўшоқов Муҳаммадамин Азизович
Ғайбуллаев Фатхуллохон Ҳабибуллохонович
Ғозиев Абдуманноб Саидович
Ғофиров Маъруфжон
Ҳазратқулов Зафар Пиримқулович
Ҳайдаров Абдужаббор
Ҳайитов Эшпўлат Жалилович
Ҳамробоев Орифжон
Ҳасанов Мурод
Ҳасанов Олимжон
Ҳасанов Ҳайри
Ҳақбердиева Раъно Қурбоновна

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 31 март.

ГЎШТ ЕТИШТИРИШ: НИЯТ ВА ИМКОНИЯТ

• МУАММОГА МУТАХАССИС НАЗАРИ БИЛАН •

Ўзбекистон чорвачилиғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғидир. Унинг улушига ялпи маҳсулотнинг 30 фоизи тўғри келади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1989 йилда 10,4 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги, жумладан 3,7 миллиард сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиштирилган.

Агросаноат комплекси ходимлари ҳал этаётган асосий вазифалардан бири аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлашдир. Бу муаммо ечимининг негизида янгича ёндашувлар, интенсив омиллардан ҳар томонлама фойдаланиш ётади. Экин майдонлари ва моллар бош сонини кўпайтириш эмас, балки баайни ишлаб чиқаришни интенсивлаш муваффақиятлар калитидир. Бу борада чорвачилик ҳақида сўз юритсак, озуқадан оқилона фойдаланиш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш назарда тутилади. Лекин тармоқни жадал ривожлантиришнинг бу омиллари ҳозирча республикамизда етарли ишга солинмаяпти. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш СССР Медицина фанлари академияси овқатланиш институти тавсия этган илмий асосли нормага яқинлашмайди. Олимларимиз ҳар киши бир йилда 84 килограмм гўшт ейишини тавсия этишса, амалда бу рақам 30 килограммни ташкил қилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муттасил кўпайиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Масалан, ўтган йили жамоат хўжаликларида 378,6 минг тонна тирик вазнда гўшт, 1 миллион 30 минг тонна сут, 1,68 миллиард дона тухум етиштирилди.

Бироқ ўсиш суръатлари аҳоли эҳтиёжини қониқтирмайди, чунки айрим хўжаликда моллар маҳсулдорлиги ошиб бораётган бўлса, бошқа бирида иш орқага кетаяпти. Айниқса, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР колхоз, совхозларида аҳвол яхши эмас. Бу давлатга гўшт топширишга таъсир этмай қолмайди.

Умуман республика бўйича гўшт тайёрлаш плани 95,9 фоиз бажарилди. Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент областлари фермаларидан режа бўйича етиб келмаган маҳсулот 14,7 минг тонна бўлди.

Хўш, планларни муттасил бажариш, энг муҳими — совет кишиси дастурхонини турли хил, жумладан чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун нима қилиш керак? Республика иқтисодий мустақилликка ўтиш учун ҳозирлик кўраётган айни пайтда бу масала бениҳоя долзарбдир. Умуман бизда гўшт ва сут бемалол бўлиши учун имконият борми? Ҳа, омон бўлсак кўрамиз. Лекин фермаларимиз ихтиёридаги кўплаб резервлардан фойдаланиш, хўжалик юритишнинг турлари, мулкнинг хилма-хил шаклларини уйғунлаштириш яқин вақт ичида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришимизга имкон беради. **Бунга жамоат сектори ва аҳолн қўлида тахминан 4,1 миллион бош қорамол, жумладан 1,6 миллион бош сигир, 8,7 миллион қўй ва эчки, 730 минг бош чўчқа, 28 миллионта парранда ва 200 минг бошдан зиёд бошқа хилдаги чорва моллари мавжудлиги ишонч туғдиради.** Фақат ана шу жониворлардан моҳирона фойдалана билиш керак.

Эндиликда молларни ўстириш ва бўрдоқига боқишга ихтисослашган йирик комплекслар ҳамда совхозлар ҳақида сўз юритиш ўринлидир.

Республикадаги 876 та колхоз ва 1.030 та совхоздаги минглаб майда фермалар қаторида ҳар бирида 6 минг бошдан 25 минг бошгача қорамол, 12 мингдан 108 минг бошгача чўчқа боқиш қувватига эга 30 га яқин саноат комплекси ишлаб турибди. Жами мол ва чўчқа гўшти етиштириш республика «Гўшт» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 18 та чўчқачилик ва 21 та қорамолчилик хўжаликларида мувофиқлашган. Улардан 11 та комплекс юқори даражада механизациялашган бўлиб, типовой ёки тажриба-синов лойиҳаларига биноан бунёд этилган.

Бундай корхоналарни 70—80-йилларда қура бошлашди. Қурилиш комплекс, бир вақтнинг ўзида асосий ишлаб чиқариш ва қўшимча ёрдамчи биноларни тиклаш билан бирга амалга оширилди, озуқа етиштириш майдонлари, уй-жойлар ва ижтимоий-маиший нуқталар вужудга келтирилди.

Саноат асосидаги чорвачилик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш — меҳнатни тармоқ ва корхонанинг ичида тақсимлаш йўли тутилди. Унинг сарчашмаларида республика хизмат кўрсатган зоотехник Леонид Павлович Бутиков турди. Юқори унумли техника, айрим жойларда автоматлаш жорий этилди, унумдорлик ошиб борди. **1974 йилдан бошлаб ихтисослашган тармоқнинг жамғарма билан таъминланувн бир неча баравар ошди, ҳар центнер маҳсулот учун харажат эса илғор хўжаликларда 1,8 баравар, айрим чўчқачилик хўжаликларида эса 2 баравардан зиёд қисқарди.** Уларнинг ҳаммаси маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин, энг муҳими — барқарор ўстириш имконини берди. Комплексларда истиқболли ташкилий, технологик ва техникавий ечимларни жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори поғоналарга кўтариш учун ҳақиқий шарт-шароит туғдирди.

1989 йилда чўчқачилик комплексларида бошқа совхозлар, колхозлар ва хўжаликлараро корхоналардагига нисбатан ўртача ўсиш 17 фоиз юқори бўлди.

Бирлашмамиздаги илғор комплексларда 1989 йилда ҳар центнер гўшт семиртириш учун бевосита меҳнат харажатлари мол гўштига нисбатан 4 киши-соат, емиш сарфи 7,5 центнер озуқа бирлигини ташкил этди, таннарх 127 сўм бўлди. Чўчқачиликда эса бир центнер маҳсулот учун бевосита меҳнат сарфи 5 киши-соат, емиш харажати 5,5 центнер озуқа бирлиги ва таннарх 172 сўмга борди. Бу умуман тармоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча камдир. Гарчи омихта ем, техника воситалари, қурилиш материаллари ва бошқа моддий-техника ашёлари баҳоси бир неча марта қимматлашган бўлса-да, шу йиллар мобайнида маҳсулот таннархи камайиб борини кузатилганлигини айтиш керак.

Бунга энг аввало юқори самарали технологик усулларни мунтазам жорий этиш, икки-уч чўчқаларни чатиштириш туфайли эришилди. Лекин, менинг назаримда, харажатларни маромга қараб режалаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, **бир центнер гўшт таннархи концентрат озуқа баҳоси кўпайганлигини ҳисобга олмаганда бирлашма бўйича ўртача арзонлашди ва ўтган йили мол гўштиники 166, чўчқа гўштиники 170 сўмни ташкил этди. Чорвадорларимиз барча турдаги гўшт учун сарфланган маблағнинг ҳар сўми ҳисобига 1 сўм 53 тийин самара олдилар.**

Кейинги йилларда бирлашмамизнинг чорвачилик хўжаликлари анча-мунча олға силжишга эришдилар. Масалан, моллар маҳсулдорлиги икки ҳисса ошди, бу республика аҳолисини гўшт билан таъминлаш кескинлигини бироз юмшатди. Бу борадаги аҳвол, биз истаганчалик бўлмаса-да, анча-мунча яхшиланмоқда. **Агар ўн биринчи беш йиллик мобайнида 39,3 минг тонна гўшт етиштирилган бўлса, бултурнинг ўзида 62,8 минг тонна маҳсулот аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.** Бундай ўсишга катта капитал маблағларсиз, асосан ички резервлар ҳисобига эришилмоқда. **Жорий йилда республика «Гўшт» ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжаликлари 75 минг тонна, ўн учинчи беш йиллик охирига борибэса 100 минг тоннадан кўп гўшт етиштиришни кўзлашаяпти.**

Бирлашма чорвадорлари ўз олдиларига қанчалик мураккаб вазифани қўйишганлиги тушунарли бўлса керак. Шундай бўлса-да, уларни бажариш мумкин. Бу қуйидаги рақамлардан ҳам аён.

Асосий умид — ишлаб чиқаришни интенсивлаш, одамларга қулай меҳнат шароити яратиш, иқтисодий рағбат уйғотиш, муносиб мутахассислар тайёрлашдан. Бирлашма хўжаликларида жорий беш йилликнинг тўрт йили ичида ўртача йиллик гўшт авваги беш йилликнинг шу давридагига қараганда сезиларли равишда кўпайди.

Масалан, ўтган йили гўштга топширилган ҳар бош қорамол вазни 431, чўчқаники эса 118 килограммни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ҳар ходим ҳисобига 12.916 сўмлик маҳсулот бош қорамол вазни 431, чўчқаники эса 37,6 миллион сўм фойда кўрилди.

Мен бу рақамларни айрим хўжаликларда турлича бўлган манзарани ниқоблаш учун келтираётганим йўқ. Бирлашмада коллективлар ўртасидаги тафовут унча катта эмас. **39 та хўжаликдан 37 таси фойда келтиради.**

Ишлаб чиқаришдаги бундай барқарорлик энг аввало хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари инсон — механизатор, мутахассис, чорвадор — ўз жойида асосий сиймо эканлигини, уларни ҳеч қандай механизмлар билан алмаштириб бўлмаслигини унутмаганликларидан таъминланмоқда. Одамларга шундай муносабат туфайли бирлашма хўжаликларида ишчи кучига нисбатан етишмовчилик йўқ.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, технологик масалаларни ҳал этишда оддий ходимлар мустақиллигига имкон яратадиган ва уларнинг пировард натижаларидан бевосита манфаатдор бўлишларига шароит туғдирадиган иш усуллари жорий қилиниши кўпроқ роль ўйнамоқда. Ижара пудрати қишлоқ меҳнаткашларига янги имкониятлар очмоқда. Хўжаликларда янгича шаклнинг уч хусусияти инобатга олиниб жорий этилмоқда: булар — бевосита оила аъзолари кўпроқ юмушларни бажаришлари; уларга ҳақ тўлаш тартиби содда ва тушунарли бўлиши; етиштирилган ва топширилган маҳсулот учун тўлов шартномада белгиланган дек якка-яккалиги сақланиши.

Ўтган йили бу тажрибани ёйиш учун қатор хўжаликларда тармоқ раҳбарлари ва мутахассислари семинари ўтказилди, уларда зарур топшириқлар берибгина қолинмасдан, балки иштирокчилар янги ишнинг тарафдорлари бўлишлари учун ҳамма иш қилинди.

Фарғона областидаги Фрунзе номли саноатлашган комплекс 24 минг чўчқа боқиш қувватига эга. У 1981 йилда қурилди. Мазкур корхона илгари зарар келтирарди, лекин мана тўртинчи йилдирки фойда олинмоқда, йилига 2,5 минг тонна чўчқа гўшти етиштирилаяпти. Бу ерда чўчқалар маҳсулдорлиги бирлашмадагидан юқори. Жониворларни асраш ва озиқлантириш соҳасида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, меҳнатни аниқ ташкил этиш ва юксак технологик интизомга риоя қилиш қувончли натижаларни таъминлаяпти, четдан наслдор чўчқа боласи олиб келишга ҳожат қолдирмаяпти. Хўжалик юритишнинг янги йўриғига ўтиш мутахассис вазифаси ва унга нисбатан қўйиладиган талабни кескин ўзгартирди.

— Ўтган йиллар ишини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, — дейди хўжалик директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Р. Асқаров, — биз мутахассисларни югурдакка айлантириб юборган эканмиз. Шунинг оқибатида ишлаб чиқариш технологиясида кўп нарса йўқотибмиз. Энг янги усулларни ўзлаштириш, хўжалик иқтисодиётини кўтариш, юқори сифатли гўшт етиштиришни кўпайтириш учун технолог-мутахассислар эндиликда ташкилотчилик ва таъминотчилик юмушларидан тўла озод этилганлар.

Бош зоотехник Е. М. Эм барча чорвачилик бўлинмалари технологи, бош агроном А. Маматоиров эса деҳқончилик бўйича технолог вазифасини бажаришаяпти. Мутахассислар у ёки бу юмушни бажариш билан боғлиқ маслаҳат ва йўл-йўриқлар учун шахсан моддий жавобгардирлар. Бу иқтисодий нуқтаи назардан мақбул ечимларни излашга чорламоқда. Масалан, ўтган йили бу тажрибани ёйиш учун қатор хўжаликларда тармоқ раҳбарлари ва мутахассислари семинари ўтказилди, уларда зарур топшириқлар берибгина қолинмасдан, балки иштирокчилар янги ишнинг тарафдорлари бўлишлари учун ҳамма иш қилинди.

Фарғона областидаги Фрунзе номли саноатлашган комплекс 24 минг чўчқа боқиш қувватига эга. У 1981 йилда қурилди. Мазкур корхона илгари зарар келтирарди, лекин мана тўртинчи йилдирки фойда олинмоқда, йилига 2,5 минг тонна чўчқа гўшти етиштирилаяпти. Бу ерда чўчқалар маҳсулдорлиги бирлашмадагидан юқори. Жониворларни асраш ва озиқлантириш соҳасида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, меҳнатни аниқ ташкил этиш ва юксак технологик интизомга риоя қилиш қувончли натижаларни таъминлаяпти, четдан наслдор чўчқа боласи олиб келишга ҳожат қолдирмаяпти. Хўжалик юритишнинг янги йўриғига ўтиш мутахассис вазифаси ва унга нисбатан қўйиладиган талабни кескин ўзгартирди.

— Ўтган йиллар ишини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, — дейди хўжалик директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Р. Асқаров, — биз мутахассисларни югурдакка айлантириб юборган эканмиз. Шунинг оқибатида ишлаб чиқариш технологиясида кўп нарса йўқотибмиз. Энг янги усулларни ўзлаштириш, хўжалик иқтисодиётини кўтариш, юқори сифатли гўшт етиштиришни кўпайтириш учун технолог-мутахассислар эндиликда ташкилотчилик ва таъминотчилик юмушларидан тўла озод этилганлар.

Бош зоотехник Е. М. Эм барча чорвачилик бўлинмалари технологи, бош агроном А. Маматоиров эса деҳқончилик бўйича технолог вазифасини бажаришаяпти. Мутахассислар у ёки бу юмушни бажариш билан боғлиқ маслаҳат ва йўл-йўриқлар учун шахсан моддий жавобгардирлар. Бу иқтисодий нуқтаи назардан мақбул ечимларни излашга чорламоқда. Масалан, Бош ветврач Б. Маматқулов эпизотик ва юқумли касалликларга қарши тадбирларни ўз вақтида уддалади, натижада моллар 98—99 фоиз сақлаб қолинди.

Иш натижаларидан бевосита манфаат кўриш операторларга ҳам, механизаторларга ҳам, бригадирларга ҳам ижобий таъсир этди. Улар анчайин серҳаракат, ташаббускор бўлиб қолишди. Лекин шунда ҳам ҳамон узилишлар бўлиб турибди. Масалан, ўз вақтида етказиб берилмаган ёнилғи ва озуқа тракторларнинг бекор туриши ҳамда маҳсулот йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда нима қилиш керак?

Хўжаликда ана шундай вазиятларни кўриб чиқиш учун совхоз директори бошқарадиган эътирозли комиссия тузилган. Унинг вазифаси фақат тартибга чақиришгина эмас, балки комиссия одамларда чинакам омилкорликни, ҳар ишда шахсий масъулиятни ҳис этишни тарбиялашдан ҳам иборат.

Ҳа, бу хўжаликдан андаза олса арзийди. Бундай мисоллар бирлашмада ягона эмас. Тошкент областидаги «Ғаллақудуқ» ва Жиззах областидаги «Зарбдор» совхозлари кўрсаткичлари қувватларни ўзлаштириш борасида барқарор маром касб этмоқда. «Ғаллақудуқ»да 2,4 минг гектар ер бўлиб, унда асосан ижарачи якка деҳқон хўжаликлари ишлашади. Уларнинг вазифаси мўл озуқа ва дон хирмони яратиш. шунингдек турли хил сабзавот, полиз экинлари ҳосили етиштиришдир. Бу ерда гектаридан 70—80 центнердан озуқа бирлиги олиш оддий ҳолат, айрим бригадаларда эса бундан ҳам юқори натижалар қўлга киритилаяпти. 710 бош қорамол, 674 бош қўй ва эчки, 100 мингдан кўп чўчқа, шунингдек анча-мунча от ва парранда боқилаётган совхоз учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмоқда.

Хўжаликка Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Григорий Павлович Гриценко чорак асрдан зиёд вақт мобайнида бошчилик қилиб келаяпти. У меҳнат фаолиятини ҳар куни эрта тонгдан бошлайди.

— Чўчқачилик комплекси — хўжалигимиз фахри, — деб ҳикоя қилади директор. — Бу ерда 286 киши ишлайди. Комплексга тажрибали ветврач И. В. Евдокимов раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда қўл меҳнати деярли йўқ, ҳар йили комплекс 120 минг бош атрофида чўчқа боласи олади ва 13 минг тоннадан кўп гўшт етиштиради. Ҳар бир ходим ҳисобига меҳнат унумдорлиги 41 минг сўм, 1 центнер маҳсулот таннархи 172 сўм, ҳар молнинг ўртача вазни 127 килограмм, ҳар чўчқанинг бир кечаю кундузда семириши наслчилик фермасида 600 граммдан ошади.

«Зарбдор» саноат комплексида ҳар бир чўчқа ўрнидан олинаётган маҳсулот оддий фермалардагига қараганда уч баравар юқори. Маҳсулдорлик ошиб бормоқда, маҳсулот бирлигига кетаётган озуқа сарфи эса худди шундай бошқа совхозлардагига нисбатан анча пастдир. Шу каби кўрсаткичлар саноат комплексида ишлаб чиқаришни интенсивлаш даражасини белгилайди.

— Ишни таг заминидан — молларни дастлаб ўстиришдан бошлаш керак, — дейди директор, ветеринария фанлари номзоди Шуҳрат Усарович Абдуғаниев.

Оҳангаронда «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплекси Тошкент области хўжаликларидан 15 кунлик бузоқларни сотиб олади. Бу ерда боқувнинг бутун йўли уч даврга: тайёргарлик (ўстириш), асосий (интенсив), якуний боқичларга бўлинади. Биринчи даврда моллар 150—160 килограммга, оралиқ жойда 370 килограммга, якуний боқичда 500 килограммга етказилади. Бунинг учун ҳаммаси бўлиб 17 ой вақт керак.

Комплексда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг истиқболли усули жорий этилган. Барча звенолар коллектив ҳамда оила пудратида ишлайдилар. Ҳамма ёшдаги моллар алоҳида-алоҳида гуруҳларда махсус рацион асосида боқилади.

— Ёз пайтларида рационда яшил озуқа асосий ўринни эгаллайди, — дейди комплекс бошлиғи, биология фанлари номзоди М. Сержонов, — уларни ўзимиз етиштирганмиз. Ҳар бир мол интенсив боқувда 3 килограмм ем, 15 килограммгача кўк беда, шунингдек турли микроэлементлар истеъмол қилади.

Каттақўрғонликлар ҳам янги, истиқболли усулларни фаол қўллашяпти. Бу гап технологияга ҳам, меҳнатни ташкил этишга ҳам, мустаҳкам озуқа негизи яратишга ҳам тааллуқли. Бўлинмаларнинг аниқ ва маромли ишини таъминлаш, озуқадан оқилона фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг истиқболли усулларини қўлланиш кеча-кундузда ҳар бир молни семиртиришни 1.209 граммга етказиш имконини берди.

Каттақўрғон саноат комплексига 80 килограмм атрофида тош босадиган моллар келтирилади, улар 600 килограммга етказиб давлатга сотилади. Яна баъзи рақамларни тилга олиш мумкин. Комплекс ходимлари беш йиллиқнинг тўрт йили ичида чорак миллион килограммдан кўп мол гўшти топширдилар, **29 миллион сўм фойда олдилар. Уч йил ичида комплекс пайчи хўжаликларга 15 миллион сўмдан кўп пул қайтарди.**

Яқинда ташкил этилган «Хатеп» саноат комплекси ҳам дадил қадам ташламоқда. Юқорида тилга олинган хўжаликларга чорвачиликда 27—40 йиллик иш давомийлигига эга моҳир мутахассислар — ўзбек Абдумалик Қўшмуҳамедов, қозоқ Таубай кўке Кобланов ва Ўзбекистон ССР халқ депутати, арман Рубен Агабабян бошчилик қилишяпти.

Қорақалпоғистон АССРдаги Тельман номли ва «Гигант», Бухоро областидаги «Партия XXII съезди», «СССР 50 йиллиги» ва «Галоснё», Қашқадарёдаги «Рассвет», «Прогресс», Свердлов номли, Самарқанд областидаги «Россия», «Октябрь 60 йиллиги», «Ғалабанинг 30 йиллиги», Паст Дарғом хўжаликлараро корхонаси, Сурхондарёдаги «Учқизил», «СССР 50 йиллиги», Жиззахдаги «Ударник», Тошкент областидаги «Рассвет» ва «Новомихайловский», Хоразм областидаги «Прогресс» совхозлари чорвачилик коллективлари ҳам завқшавқ билан ишлашаяпти.

Тўғри, бирлашмада қолоқ хўжаликлар ҳам мавжуд. Мана улар: Қорақалпоғистон АССРдан «Ўзбекистон КП XX съезди», Самарқанд областидан Иштихондаги хўжаликлараро корхона, Ильич номли, «Победа», Сирдарё областидаги «Партия XXV съезди» совхозлари, Тошкент областидаги «Сергели» ва Фарғонадаги «Целинник» саноат комплексларидир.

Колхозлар ва совхозлардаги майда фермалар йирик чорвачилик хўжаликлари билан рақобатлаша олмайдилар. Фақат кичик фермалардаги бир жиҳат: ишлаётган ходимларнинг жуда зўр ғамхўрлиги беллашиши мумкин.

Бироқ бу омиллар маълум чегарага эга, кичик механизацияга асосланган интенсив қўл меҳнати йирик саноат ишлаб чиқариши корхонасига бас келолмайди. Шунинг учун кичик фермаларга берилиб кетиб, юқори иқтисодий самара берадиган ва қурилиши учун кетган харажатларни қисқа муддатларда қоплайдиган катта ва ўртача чорвачилик комплекслари ҳақида унутмаслик керак. Буларнинг ҳаммаси, менинг назаримда, майда чорвачилик фермалари афзаллигининг шак-шубҳасиз эканлиги ҳақидаги фикрнй инкор этади. Ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий, ижтимоий, ва экологик вазифаларни расамади билан бажариш, интенсив технологияларни жорий қилиш, замонавий фан ютуқларини қўлланиш — буларнинг ҳаммаси самарадорлик омилларидир. Қулай меҳнат шароити, ҳафтада қунига 8 соатдан меҳнат қилиб, икки кун дам олиш, бўш вақтни тўғри ташкил этиш одамларни меҳнатга рағбатлантиради. Чунки йигитлар ва қизларнинг ижодий қобилиятларини тўла намоён этиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш комплексларда одатий ҳолга айланган. Йирик фойда кўрувчи корхоналар уй-жой ва маданий-маиший бинолар қуришда ҳам кенг имкониятларга эга бўладилар.

Бундай хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, айниқса ветеринария шифокорлари халқимиз уларнинг меҳнати ҳақида айнан пештахтага қўйилган гўштга қараб баҳо беришини билишлари керак. Қорақалпоғистондаги «Ўзбекистон КП XX съезди» совхозининг директори Ш. Камолов ҳам буни унутмаса чакки бўлмасди. У раҳбарлик қилаётган хўжаликда молларнинг нобуд бўлиши камаймаяпти, балки кўпаймоқда. Агар умуман бирлашма бўйича ўтган йили 407 бош қорамол нобуд бўлган бўлса, унинг 194 боши айни шу совхозга мансуб. Бу 1988 йилдагига нисбатан 60 бош кўпдир. Ўтган йили хўжаликка 3.664 бош мол келтирилди, лекин унинг 84 фоизигина самара берди, холос. Барча мутахассислар дуккун ўсаётган бузоқ — гўшт етиштиришни жадал кўпайтиришнинг асосий шарти эканлигини ёдда тутишлари зарур. Лекин ҳануз айрим раҳбарлар хўжаликлардан келтирилган касал бузоқлар ёмон қаров туфайли соғлом жониворларга нисбатан кам самара бераётганлиги билан муроса қилмоқдалар.

Эндигина кўз очган бузоқ дастлабки бир ҳафтада атроф муҳитига мослашади, танасининг физиологик тўлишув жараёни давом этади. Жонивор худди шу пайтда инсон кўмаги ва ҳимоясига муҳтож бўлади. Ҳаётининг биринчи кунлари унинг учун зах жой ва елвизак жуда хавф туғдиради. Одатда баҳор кунлари туғилган бузоқлар тез касалликка чалиниб, нобуд бўлиши мумкин. Мутахассислар буни сигирларда тўйимли моддалар етишмаслиги билан изоҳлашади. Айниқса, қиш охирига келиб моллар қийналиб яшайди. Фақат ветеринария-технология усулларини тўғри қўлланишгина ёрдам бериши мумкин.

Қорамоллар ва чўчқалар нобуд бўлиши ва мажбурий сўйилишини камайтириш ҳисобига ҳар йили бирлашма бўйича камида 5 минг тонна гўшт олиш мумкин эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Албатта, бунга эришишда операторлар, зооветеринария ва бошқа мутахассислар ва ўртача чорвачилик комплекслари ҳақида унутмаслик керак. Бу ерда ҳар бир ходимнинг ўз вазифаси, менинг назаримда, майда чорвачилик фермалари афзаллигининг шак-шубҳасиз эканлиги ҳақидаги фикрнй инкор этади. Ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий, ижтимоий, ва экологик вазифаларни расамади билан бажариш, интенсив технологияларни жорий қилиш, замонавий фан ютуқларини қўлланиш — буларнинг ҳаммаси самарадорлик омилларидир. Қулай меҳнат шароити, ҳафтада қунига 8 соатдан меҳнат қилиб, икки кун дам олиш, бўш вақтни тўғри ташкил этиш одамларни меҳнатга рағбатлантиради. Чунки йигитлар ва қизларнинг ижодий қобилиятларини тўла намоён этиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш комплексларда одатий ҳолга айланган. Йирик фойда кўрувчи корхоналар уй-жой ва маданий-маиший бинолар қуришда ҳам кенг имкониятларга эга бўладилар.

Бундай хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, айниқса ветеринария шифокорлари халқимиз уларнинг меҳнати ҳақида айнан пештахтага қўйилган гўштга қараб баҳо беришини билишлари керак. Қорақалпоғистондаги «Ўзбекистон КП XX съезди» совхозининг директори Ш. Камолов ҳам буни унутмаса чакки бўлмасди. У раҳбарлик қилаётган хўжаликда молларнинг нобуд бўлиши камаймаяпти, балки кўпаймоқда. Агар умуман бирлашма бўйича ўтган йили 407 бош қорамол нобуд бўлган бўлса, унинг 194 боши айни шу совхозга мансуб. Бу 1988 йилдагига нисбатан 60 бош кўпдир. Ўтган йили хўжаликка 3.664 бош мол келтирилди, лекин унинг 84 фоизигина самара берди, холос. Барча мутахассислар дуккун ўсаётган бузоқ — гўшт етиштиришни жадал кўпайтиришнинг асосий шарти эканлигини ёдда тутишлари зарур. Лекин ҳануз айрим раҳбарлар хўжаликлардан келтирилган касал бузоқлар ёмон қаров туфайли соғлом жониворларга нисбатан кам самара бераётганлиги билан муроса қилмоқдалар.

Эндигина кўз очган бузоқ дастлабки бир ҳафтада атроф муҳитига мослашади, танасининг физиологик тўлишув жараёни давом этади. Жонивор худди шу пайтда инсон кўмаги ва ҳимоясига муҳтож бўлади. Ҳаётининг биринчи кунлари унинг учун зах жой ва елвизак жуда хавф туғдиради. Одатда баҳор кунлари туғилган бузоқлар тез касалликка чалиниб, нобуд бўлиши мумкин. Мутахассислар буни сигирларда тўйимли моддалар етишмаслиги билан изоҳлашади. Айниқса, қиш охирига келиб моллар қийналиб яшайди. Фақат ветеринария-технология усулларини тўғри қўлланишгина ёрдам бериши мумкин.

Қорамоллар ва чўчқалар нобуд бўлиши ва мажбурий сўйилишини камайтириш ҳисобига ҳар йили бирлашма бўйича камида 5 минг тонна гўшт олиш мумкин эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Албатта, бунга эришишда операторлар, зооветеринария ва бошқа мутахассислар ва ўртача чорвачилик комплекслари ҳақида унутмаслик керак. Буларнинг ҳамм

Мактаб ва қайта қуриш

ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ МУАЛЛИМ

Мен уни болаликдан биламан. Бир қишлоқда ўсганмиз. Ёшимиз етгач, у қишлоқ мактабига ўқишга кирди, мени эса тақдир Бухоро шаҳрига етаклади. Мактаб-интернатда ўқий бошладим. Биз таътил пайтларида учрашиб турар, соатлаб суҳбат қурардик. Ота-боболар таъбири билан айтганда, ҳар бири йилга татийдиган қиш кечаларида эртаклар, топишмоқлар айтишиб, тунни тонгга улардик.

Қишлоғимизда шаҳардан келиб қолган бир сўққабош уста бўларди. Янги эртак эшитмоқчи бўлсак, ўшанинг қулбасига борардик. Бўш қолсак, мактаб-мактаб ўйнардик. Холиқ муаллимлик қиларди, мен унинг дарс беришини кузатиб ўтирардим. Эҳтимол, ўша ҳавас, интилиш ва қизиқиш уни ўқитувчи бўлишга даъват этгандир. Бухоро давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Мен эса Самарқанд давлат дорилфунунида таҳсил кўра бошладим. Биз ҳамон таътил пайтларида учрашиб турардик. Энди эса суҳбатлар жиддий бўлар, келгусидаги ўйлар, режалар, ниятлар ҳақида сўзлашар эдик.

Талабалик онлари ортда қолди. 1969 йилда Холиқ Назаров қишлоғимиздаги Я. М. Свердлов номли 16-ўрта мактабда педагогик фаолиятини бошлади. Болаларга меҳрини, қалб қўрини бахшида қилиб, кекса педагоглардан тажриба ўрганди. Мақсади синфда давоматнинг юз фоиз бўлишини таъминлаш эди. Шунга эришди ҳам. Демак, ўзлаштиришда ҳам шунга эришиш мумкин, деган қатъий хулосага келди. Бола дарс қолдирмадими, албатта, унинг ўзлаштириши яхши бўлади. Яна бир омили болалар ўртасида мустаҳкам ва барқарор дўстликни таркиб топтиришдир. Дарсдан сўнг улар билан қолиб ишлаш, меҳнатга кўникма ҳосил қилиш, ўзаро бир-бирларига нисбатан ҳурмат-иззат кайфиятини камол топтириш, кексаларга, ногирон кишиларга, ўзларидан кичик болаларга меҳрибонлик кўрсатиш сингари хислатларини шакллантириб боришга астойдил интилди.

Ҳозир унинг шогирдлари халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишлашмоқда. Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз бош инженери Зоир Шарипов, касалхона ҳамшираси Шоҳсанам Каримова, ёш муаллима Ёқиной Қодирова ва бошқалар шулар жумласидандир. Талабаларидан Озода Ражабова Тошкент давлат медицина институтида, Ғолиба Қурбонова Белгород педагогика институтида, Дилбар Абдуллаева Бухоро педагогика институтида таҳсил олишмоқда.

Ҳозир у мактаб директорининг бошланғич синфларга таълим бериш бўйича ўринбосари. Ёш педагогларга амалий кўмак бермоқда. Холиққоннинг педагогик ва жамоатчилик соҳасидаги хизматлари ташаккурномалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Унга методист ўқитувчи деган фахрий унвон берилган.

Оила аъзолари бўш вақт топилди дегунча томорқада ишлашади. Шахсий ёрдамчи хўжаликда чорва молларини боқишади. Етиштирилган ҳосил оила эҳтиёжидан ортса, бозорга чиқариб сотилади ёки район тайёрлов идорасига топширилади. Сутнинг рўзғор эҳтиёжидан ортган қисмини колхоз харид қилади. Томорқадан ва сутдан келган даромад жамланиб, уй-жой қуришга сарфланади. Холиқ Назаров оила жамғармасини қандай қилиб таркиб топтириш ва ундан фойдаланиш йўл-йўриғини яхши билади. Тиниб-тинчимас қишлоқ ўқитувчисининг ҳар бир иш куни серташвиш. Фарзандларимизнинг мустаҳкам билим эгаллашлари йўлида астойдил жон куйдираётган. фидойилик кўрсатаётган шундай қалби қайноқ, меҳри дарё одамлар мудом бор бўлсин ва уларнинг сафи кенгаяверсин!

А. ҲАЙДАРОВ.



СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Мактаб ўқувчиларининг камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг таъсири катта. Шу боисдан Хонқа районидаги 10-мактаб педагогика коллективи турли спорт тўгараклари ишини жонлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Бу ерда футбол, волейбол, баскетбол сингари оммавий турлар бўйича синфлараро мусобақалар ўтказишади. Ғолиб команда мактаб маъмурияти томонидан тақдирланади.

Чапдаги суратда мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Бекжон Курязов 8-синф ўқувчиси Умид Раҳимовга тўпни ўйинга киритиш қоидасини тушунтирмоқда.

Ўнгдаги суратда эса, мактабнинг «Қувноқ стартлар» конкурсига қатнашувчи терма командаси аъзоларидан (чапдан) М. Раҳимова, О. Сафарова ва Д. Курязовани кўриб турибсиз. Мария 9-синфда ўқийди. У 3000 метрга югуришда ўзини синаяпти. Олия эса 8-синфда, волейбол ва баскетболга қизиқади. Уч йилдирки, «Қувноқ стартлар»га мунтазам қатнашмоқда. 8-синф ўқувчиси Дармон мактаб терма командасининг капитани.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ИККИ ҲАЖВИЯ

ПУЛИНГИЗ ҲАЛОЛМИ?

Советлар уйининг мўъжазгина буфетида ҳодимлар учун тушлик тайёрланади. Иш юзасидан идораларга келган баъзи кишилар ҳам шу ерда тамадди қилишади.

Одатдагидек тушликдан сўнг уёқ-буёқдан гурунглашиб, чой-ҳўрлик қилиб ўтирардик.

— Ҳали бизга қайта қуриш етиб келгани йўқ, — деб қолди чеккада ўтирган ўрта яшар, ғилайроқ киши. У бирор идорага иш билан келгани кўриниб турибди: — Савдодаги юлғичлик бир фоиз ҳам камайгани йўқ. Юлган юлаяпти, шилган шилаяпти. Савдогарнинг одами органда, органди одами чайқовда. Биров ғиринг демаяпти.

Бошқалар ҳам унга қўшилдилар. Турли мисоллар, далиллар келтирилди. Меҳмон энди ҳаммани оғзига қаратганидан сўзамолланиб, дадил гапирарди.

— Ўтган куни бизнинг маҳаллада қуюқ сут сотишди. Банкаси бир сўмдан. Ҳар биттасидан қирқ беш тийиндан фойда қолади. Қисқа вақт ичида бир машина сут сотилди. Агар у мингта бўлса 450, икки мингта бўлса 900 сўм нақд. Бунақада савдогарлар қутурмай, ким қутуради? Журналистлар ҳам, халқ назоратчиларям ҳеч нарса дейишмаяпти. Уларнинг ҳам оғзини мойлаб ташлаганлар шекилли...

Шундай қилиб, биз ҳам порахўрга чиқдик. Мен ёнимда ўтирган халқ назорати комитети инспекторини сал туртиб, сўз қотдим:

— Қалай?

Меҳмоннинг айниқса кейинги сўзларидан ғижиниб ўтирган инспектор унга луқма ташлади:

— Ўзингиз ҳам олдингизми ўша сутдан?

— Ҳа, йигирматагина тегди.

— Йигирмата... Тўққиз сўмга тушибсиз-да?

— Ҳа, юлиб олишди исқоттингга буюргурлар.

Ўзимни тутолмай дедим.

— Ўша пулингиз ҳалолмиди?

— Ҳаромми бўлмаса? Нега ундай дейсиз? — Меҳмон аччиқланиб ғилай кўзи ҳам кенг очилиб кетди.

— Ҳалол бўлса, — дедим мен, — нега осонгина тутқазиб қўя қолдингиз? Сиз ҳалол пулингизни ўз қўлингиз билан ўғрига берадиган-у журналист билан халқ назоратчиси ундирадиганми?

— Ҳа-я!..

— Нега довлашмадингиз?

— Уч-тўрт киши бўлиб акт тузиш керак эди.

— Ҳеч бўлмаса халқ назоратчиларига кўнгироқ қилмабсизда? — буфет залида ғалағовур кўтарилди. Гап-сўзлар тингач, қарасак, меҳмонимиз йўқ. Сездирмай ғойиб бўлибди.

Сўнгги сўзни буфетчи аёл айтди:

— Шунақа одамлар билан қайта қуриш қилиб бўладими? Ҳар гапида латта тутади, холос.

Ишдан сўнг уйга қайтиш учун автостанцияга йўл оларканман, барваста, қорни дўппайган, сочларига оқ ораласада, юзлари бўртмочдай қипқизил, кўринишидан анча бефарқ, тўпори бир киши қаршимдан чиқиб, кўришгани қўл узатди.

— Ассалому алайкум! — қадрдонлардай ҳол-аҳвол сўрай-кетди у. — Аҳволлар яхшими, соғлиқлар, бардам-бақувватмисиз? Газетага ёзганларингизни ўқиб бораман. Йиғиб ҳам қўяман. Вой жа-а боплайсиз-да, ўзиям...

Сўзларига умумий тарзда жавоб бериб, «Бу ким бўлди экан?» — деб ўйлардим.

Ниқоят, у муддаога кўчди:

— Шу, ука, бизни автобазани бир тартибга соберсангиз.

— Хўш, нима бўлди?

— Ҳее, бутун қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ғолиб кетди. Запчастларни енг ичида сотишади. Янги машина беришдаям тартиб бузилди, қўли узунларники бўлиб кетди. Вообще, бир боринг. Биласиз-қўясиз...

— Биз ундай қилолмаймиз.

— Йў-ўқ, сизларнинг қўлларингдан келади.

— Бўлмаса, ёзиб берінглар, уч-тўрт киши имзо қўйинглар, — дедим мен.

— Ёзмасак бўлмайдими?

— Бўлмайди-да. Қаерда қандай камчилик борлигини қаёқдан биламиз?

«ИҒВОГАР БЎЛМАЙ ДЕГАНДИМ»

— Ёзсак бўлади, —деди у ўйланиб. — Лекин улар жа-а уста-да. Пихини ёрган. Хатга қўл қўймасак-чи?...

— Қўл қўймасангиз, имзосиз хат сифатида текширилмайди.

— Шундай қилдик ҳам дейлик, агар исботланмай қолса-чи?

— Сизларни юзлаштирамиз. Исботлашга ҳаракат қиласизлар.

— Ҳмм, — суҳбатдошим бутунлай бўшашди, — шу, хат ёзиб, мен иғвогар бўлмай, дегандим-да.

Шундай жаҳлим чиқдики, бу нусха кўзимга хунук кўрина бошлади.

— Мен иғвогар бўлсам, майлими? — кесатдим мен. — Косов бўлсам-у қўлингиз куймай иш битирсангиз-а?

Авзойим бузилганини кўрибми ё ўзининг муддаоси амалга ошмаганидан афсусланибми, нусха лапанглаб кетиб боравди.

— Хафа бўлишга арзимайди булар. Кетдик, — мени юпатган бўлди ҳамроҳим. Лекин ўзи асабийлашганини яширолмаётганди: — Шуям қайта қуриш жонкуяри! Вой, қурмагур-ей!..

Йўлдош СУЛТОНОВ.

ИБРАТ ЖОЗИБАСИ

Мактабларда ўқув йилининг якунловчи, тўртинчи чораги бошланди. Бу асосан ўтилган мавзуларни такрорлаш, болалар ўзлаштирган билимини муайян даражада мустаҳкамлаш давридир. Айни вақтда назарий маълумотни амалда синаб кўриш, демак мактаб ҳаётининг бутун бир йиллик фаолиятига баҳо бериладиган, синфдан-синфга кўчиш ва битириш имтиҳонларига ҳозирлик кўриладиган кунлар ҳисобланади.

Редакциямизга келган мактубларни ана шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, жамоатчи мухбирларимиз йўллаган хат ва хабарлар мавзу долзарблигидан анча олис. Уларда жумҳуриятимизнинг барча мактабларида амалга оширилаётган умумий ишлар, ўқитувчиларнинг ақиқалари ҳақида гап борадию бошқаларга ўрнак бўларли жиҳатлар оз тилга олинади. Паст Дарғом район халқ таълими бўлимининг методисти Б. Амиров «Қандай ишлаб, яшаяпсиз, қишлоқ ўқитувчиси?» сарлавҳали мақоласида матбуотда эълон қилинган, ҳаммага аён рақамларни келтиради-ю, лекин қишлоқ ўқитувчиси қандай ишлаб, яшаётганига доир мисоллар йўқ. Натижада мақола қуруқ бўлиб қолган.

Тўғри, район мактаблари ҳаётида юз бераётган воқеаларни умумлаштиришга ҳаракат қилинган мақолалар ҳам бор. Фарғона район халқ таълими бўлимининг мудири М. Шерматовнинг «Давр талабига ҳамоҳанг қадам» сарлавҳали материалида умумий маълумотлар, рақам ва исм-шарифлар учраса-да, бирон мактабда ислоҳот талаблари қандай амалга оширилаётгани аниқ мисоллар билан очиб берилмаган. Тошлоқ районидаги 30-мактаб ўқитувчиси А. Қамчиев эса «Тарбиявий соат машғулотларида» нималар ҳақида гапириш керакligini ёзиб юборибди. Бизда эса илғор иш тажрибасини ўрганишга эҳтиёж катта.

Фориш районидаги С. Айний номли мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Т. Қозоқовнинг материали «Барҳаёт сиймо» деб аталади. Унда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг китобларда чоп этилган ҳаёти ва ижоди ҳақида гап боради. Ахир бу нарса дарсликлардан ҳаммага маълум-ку?!

Шунингдек, Оқдарё районидаги 47-мактаб ўқитувчиси Қ. Абдураззоқов «Машҳур совет педагоги» мақоласида Н. К. Крупская ҳақидаги ҳаммага таниш маълумотларни такрорлаган. Фарғона районидаги 27-мактаб директори Д. Абдурахмонов эса редакцияга йўллаган мактубида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда ностандарт мосламалар ҳақида ёзади-ю улар қайси билим даргоҳида қандай самара берганлигини аниқ мисолларда кўрсатмайди.

Самарқанд район «Шарқ тонги» газетасининг ходими А. Ҳамроқулов шу нохиядаги 29-мактаб директори Ҳ. Турсунов билан қилган суҳбатида қайта қуриш кўзгусида мактаб ислоҳоти қандай акс этаётганини очиб беришга интилган. Бироқ муаммолар қандай ҳал қилинаётганига доир мисоллар келтирмаган.

Фориштдаги 46-мактабдан Қ. Исаев, Яккабоғдаги 14-мактабдан Н. Ҳожиева, Амударё районидаги Лермонтов номли мактабдан Ҳ. Ёқубжонов, Самарқанд шаҳридан И. Суюнов, Жиззахдан Л. Холтошева, Хатирчидан Ҳ. Назаров, Андижондан М. Абдуллаев, Ленин йўли районидаги 18-мактабдан Т. Эшкелдиев, Пайариқдаги 30-мактабдан Ф. Сайфуллина ва бошқалар мазкур билим масканларида ҳурматли устозларнинг юбилейлари кенг нишонланганлиги ҳақида хабар қилишган.

Бухоролик жамоатчи мухбир А. Ҳайдаровнинг йўллаган хабари ҳам ўтказилган адабий кеча ҳақидаги умумий ахборот бўлиб қолган. Наманганлик жонкуярларимиз Т. Сулаймоновнинг инглиз тили ўқитувчиларининг амалий семинари, 48-мактабдаги тарихий-инқилобий музей тўғрисидаги хабарларида газетхон учун янгилик йўқ.

Паст Дарғомдан Ш. Фахриев, Ўзбекистон районидан П. Саидова, пайариқлик И. Холиқуловларнинг материаллари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Қайта қуриш ва демократия, ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилик мактаб ҳаётига ҳам янгиликлар олиб кирмоқда. Аввалдан тайёрланган қуруқ докладлар ўқиладиган адабий кечалар, меҳнат дарси баҳонасида ер чоптириш, шиорбозлик вақти ўтди. Буни яхши англаган илғор коллективлар таълим-тарбия ишларининг янгиданянги шаклларини изламоқдалар. Бизга ана шу янгиликлар ҳақида ёзиб юборишингизни сўраймиз.

МАДАНИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ БЎЛИМИ.

ТОТЛИ НОНУШТА

Партия ва ҳукуматимизнинг 1—5-синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш тўғрисидаги қарори ҳаммани хушнуд этди.

Райондаги 31 та мактабнинг 1—5-синфларида 6.457 ўқувчи билим олади. Эрталабки нонуштага 247 та синф ўқувчиси жалб этилган. Бунинг учун 1990 йилда 195 минг сўм пул ажратилди.

Яқинда Ёзёвон район мактабларининг директорлари, илмий бўлим мудирлари, тарбиявий ишлар ташкилотчилари билан қўшма йиғилиш ўтказилди. Унда ўқувчиларга бепул нонушта беришнинг аҳволи кўриб чиқилди. Район халқ таълими бўлими ходимлари мавжуд мактаблардаги шароитни ўрганиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Таъкидлаш керакки, районда 1—5-синф болаларига нонушта бериш учун ҳамма жойда ҳам шароит етарли эмас. Умумий овқатланиш корхонаси раҳбарлари катта ваъдалар беришган. Аммо 30—40 километр узоқликдаги мактабларни озиқ-овқат билан таъминлаш қийин муаммо бўлиб турибди.

Бундан ташқари, мактабларда стакан, қошиқ, сирли чойнаклар етишмайди. Район матлубот жамияти, қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари бу соҳада амалий ёрдам беришлари зарур.

М. ТЕШАБОЕВ.

Қумқўрғон районн қишлоқларида халқ ҳунармандчилигининг қадимий анъаналари тикланиб бораяпти. Бу ерда қўлда гилам, шолча тўқиш ва бошқа буюмлар тайёрлаш тобора кенгаймоқда. 83 яшар уруш ва меҳнат ветерани Бобомурод ота Ғаффоров ўз хонадонида, ҳамқишлоқлари ўртасида бу борада ибрат кўрсатаётир.

СУРАТДА: Б. Ғаффоров келинига ҳунармандчилик сирларини ўргатмоқда.

Б. АЛИМОВ олган сурат.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ

Ватандошларимиздан кимлар Нобель мукофоти лауреати бўлганлар? «Комсомольская правда» газетасида ёзилишича, 16 киши ана шу мукофот билан тақдирланган. Марҳамат, улар билан танишинг:

Н. Г. Басов, Л. П. Капица, Л. Д. Ландау, А. М. Прохоров, И. Е. Тамм, И. М. Франк, П. А. Черенков физика, Н. Н. Семёнов кимё, И. И. Мечников, И. П. Павлов физиология ва медицина, Л. В. Канторович иқтисоднёт соҳаларида Нобель мукофотига сазовор бўлишган.

Адабиёт соҳасида эса И. А. Бунин (Францияда яшаган), Б. Л. Пастернак (мукофотни рад этган), М. А. Шолохов, А. И. Солженицин, И. А. Бродский ана шу юксак мукофот соҳиби ҳисобланадилар. Яқинда вафот этган таниқли олим А. Д. Сахаров тинчлик учун курашдаги хизматлари учун Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Р. РАҲИМОВ тайёрлаган.

СПОРТ ахбороти

ХОККЕЙ

Ленинградда олимпиада терма командалари ўртасида шайбали хоккей бўйича халқаро мусобақа давом этмоқда. Унда саккиз команда икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритаяпти. Биринчи гуруҳда Финляндия, Швеция, ГФР ва СССР, иккинчисида эса Чехословакия, Норвегия, Канада ва Ленинград терма командалари иштирок этишмоқда. Шу кунга қадар бўлиб ўтган олти учрашув қуйидаги натижаларни берди: Финляндия — Швеция — 1:2, СССР—ГФР — 4:0, Чехословакия — Норвегия — 5:1, Канада — Ленинград —7:3, СССР — Швеция — 3:1, ГФР — Финляндия — 5:7.

* * *

Андижон ҳамда Фарғонада ўсмир ва қизлар ўртасида чим хоккейи бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Ўсмирлар мусобақасида (Андижонда) 7 команда иштирок этди. Айниқса мезбонлар муваффақиятли қатнашдилар. Улар рақиблар дарвозасини 36 маротаба ишғол этиб, фақат бир тўп қўйиб юбордилар, холос. Ғолиблар сафида айниқса С. Қосимбеков ажралиб турди. У 14 маротаба нишонни аниқ олди. Пировардида андижонлик хоккейчилар республика биринчилигининг ғолиби бўлдилар.

Самарқандликлар иккинчи, тошкентликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Қизлар турнирида ҳам ғолиблик учун кескин кураш борди. Бунда омад самарқандликлар томонида бўлди. Кейинги совринли ўринлар Фарғона ва Андижон командаларига тегди.

САМБО

Республикамиз самбочи қизлари қатор Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Чунончи, Ленинградда бўлган йирик турнирда тошкентлик Марина Михеева ва Наталья Колдузова зафар қучиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди.

Наталья Колдузова Полтавада ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида ҳам ўзини кўрсатди. У 7 беллашувда ғолиб чиққач, ярим финалда мамлакат чемпионини мағлубиятга учратди. Натижада Наталья республикамизда биринчи бўлиб самбо бўйича спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Маълумки, май ойида мамлакат биринчилиги ўтказилади. Айни пайтда Н. Колдузова, С. Слинко, М. Михеева, А. Циплякова ва И. Цой каби самбочи қизларимиз бу мусобақага пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

БОКС

Фрунзеда анъанавий Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Фарғоналик В. Буркин 75 килограммгача вазндаги боксчилар ўртасида ғолиб чиқиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Андижонлик Зокир Ботиров (48) финалда қирғизистонлик Р. Қўлдошевга ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллади. Когонлик М. Ражабов (71) ва андижонлик Ш. Умаров (81) учинчи совриндор бўлдилар.

ФУТБОЛ

Биринчи лигада навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Симферополда маҳаллий «Таврия» ва Ленинграднинг «Зенит» командалари ўзаро куч синашдилар. Бу учрашувда дарвозалар дахлсиз қолиб, рақиблар очкони бўлишиб олдилар.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 7 апрель, шанба куни чиқади.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

6 АПРЕЛЬ, ЖУМА

● УзТВ I

17.30 «Сизга бахт тилаймиз». Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Остонамга эртак келиб қўнди», «Ҳамма учун қурилган уй». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Устозлар». В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат доирилфунунининг 70 йиллигига бағишланади.
19.00 «Баҳорнинг бир куни йилга татийди».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади».
19.55 «Фарғона лавҳалари». Кинокўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
21.55 Кинолавҳа.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Одобнома».
22.35 «Ўзбекистон композиторлари». Дони Зокиров.
23.40 Янгиликлар.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Бўталоқ ва хўтик қандай қилиб мактабга боришди». Мультфильм.
8.15 «Олтин шайба» клуби соврини учун.
9.00 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
10.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.00 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Яшил чироқ».
15.45 Болалар учун фильм: «Муз устидаги чумчуқ» (М. Горький номли киностудия).
16.45 «Узоқ ўтмишда». Кўчманчи қирғизлар урф-одатлари ҳақида. Фрунзе шаҳридан кўрсатилади.
17.20 СССР халқ артисти Е. Н. Гоголева рус ва совет авторларининг шеърлари ва насрий асарларини ўқийди.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
19.00 А. Оннегер. Шекспирнинг «Бўрон»ига ёзилган прелюдия. СССР Маданият министрлигининг Давлат симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Г. Рождественский.
19.10 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. «В. И. Ленин портретига чизгилар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм («Экран»). 1-фильм — «Номма-ном овоз бериш».
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Нигоҳ».
23.05 «Бу бўлган... бўлганди...».
23.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 Илмий-оммабоп фильм.
8.45, 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Сен билан дўстлашмоқчиман.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.55 «Оқсил моддаси хазинаси». Илмий-оммабоп фильм (Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси).
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 География. 6-синф. Биосфера.
11.05 «ТелеЭКО» журнали.

*

12.10 Футбол. СССР чемпионати.
13.00 Барбара Гужиньская чалади (скрипка, Польша телевидениёси).
13.40 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан кўрсатилади.
14.40 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». 3-серия.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Отам ҳақида сўзлаб бераман». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР фахрий қутбчиси В. И. Абросимов ҳақида (Владивосток).
17.15 «Малахит қутича». Мультфильм.
17.35 Вьетнам артистларининг концерти.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.**
19.15 «Хотира». Сергей ва Николай Радченко.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Театрда».
19.45 «Монополия». Кичик корхоналарни ривожлантириш ҳақида.
20.15 «Ҳавас қилманг». «Строитель» кооперативи ва унинг раиси В. И. Туманов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Лентелефильм»).
20.55 Ф. Шопен. «Интродукция ва тантанали полонез».
21.05 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.10 МТ хазинасидан. «Яшанглар!». Телевизион бадиий фильм («Грузия-фильм»). 1 ва 2-сериялар. Бадиий академия вице-президенти Д. С. Бистининг кириш сўзи билан бошланади.
23.30 Спорт ҳамма учун.
23.45 «Тикланиш» (Крекшинда, Л. Н. Толстой ҳузурида).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р — 10001. Д. 1166. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.